

Иброхимга, ўглинг сўй дединг, Сенга  
Керак эмас эди Исмоил кони,  
Курбонлик бўйнига ўтмади пичок,  
Консиз кабул бўлди Халил курбони.

Халилнинг калбида ёлгиз Сен эдинг,  
Ўзгага ўрин йўк эрди бу дилда,  
Махбуб танасини кесолмади тиг,  
Сўйилиб бўлганди чунки кўнгилда.

Иброхим миллати чин миллиятдир,  
Миллийлик - Сен учун севганин бермок!  
Курбон хайити бир эслатма, холос,  
Севимли мол-мулкдан бир жонлик сўймок!

Иймон шартида Сен учун арзимас  
Бир йилда бир марта бўгизлаш хайвон,  
Балки лозим хар кун нафс итин сўймок,  
Сенчун тандан кечиб, бермок Сенга жон.

Биттагина тан-жон Сен учун нима,  
Жон-да Сенинг, тан-да Сенингдир якин,  
Бирок йўкни бермок имконсиз, вана,  
Минг тану жон бўлсам, берардим барин.

Курбонлик Сен сари якинлик, яъни,  
Сен учун севганин курбон килишдир,  
Сўзингга биноан килмок жидду жаҳд,  
Йўкса, доимгидан кўп гўшт ейишдир.

Сенга минг тасаддук севимли жоним,  
Севимли жисмим хам фидойинг бутун,  
Севимли мол-мулким, севимли нафсим,  
Севимли севгим хам факат Сен учун!

Хусайнхон Яхё Абдулмажид